

## Ёшлар учун имкониятлар

2018 - йил 19 - апрел куни Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти 4-сонли талабалар турар жойи тарбиячи педагоги Жавлонбек Қутлимуротов Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетига депутатлар билан ижодий учрашувни ташкил этиш мақсадида талабаларни бошлаб борди.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети "Тараққиёт стратегияси" мажлислари залида "Ёшлик" шаҳарчаси Кенгаши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи билан ҳамкорликда, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Депутатлари билан давра суҳбати бўлиб ўтди

Тадбирда Тожийев Козимжон Ўктамович, Шукуров Элбек Хабибуллаевич, Абдижамилев Жолдасбай Зинатдинович, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатаси депутатлари сўзга чиқдилар.

Тадбир давомида "Ёшлик" талабалар шаҳарчасида талабаларга яратиб берилган имкониятлар, ёшларни қизиқтирган масалалар, раҳбарлик лавозимларида ишлаш, кредит масалалари, имтиёзли грантлар, ёшлар муаммолари, уларнинг амалий ечими масалалари юзасидан ва "Ёшлик" талабалар шаҳарчасининг инфраструктурасини яхшилашга доир таклифлар кўриб чиқилди.



**4 - ТТЖ тарбиячи-педагоги Жавлонбек Қутлимуротов ахбороти  
Институт матбуот котиби Раҳимбой Жуманиёзов**